

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1996 йил 13 апрель, шанба

№ 29 (10.804)

Эркин нарҳда сотилади

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 11 апрель кунин Япониянинг мамлакатимиздаги Факултети ва Мухтор элчиси Укеру Магосакини қабул қилди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар мустақам ҳуқуқий асосда ривожланиш босқичига кирганидан гоят мамнун эканини айтди. Бу алоқаларнинг кенгайишида элчи жанобларнинг хизмати катта бўлганини алоҳида таъкидлади.

— Муносабатлар нафақат дипломатия, балки маданий ва бошқа соҳаларда ҳам ўзаро бир-бирини тушуниш асосида ривожланмоқда, — деди Ўзбекистон раҳбари. — Япония Ўзбекистонга кўрсатган беғараз ёрдам миқдори аниқ пайтда 14 миллион долларга етди. Оролбўйидаги экология вазиятини яхшилаш, мамлакатимиз тиббий муассасаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва бошқа соҳаларда ҳам самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

Сухбат чоғида юртбошимиз Ўзбекистон ўз истиклолини мустақамлаш йўлидан собитқадамлик билан илгариллашгани, жаҳондаги барча давлатлар, жумладан Япония билан дўстлик ва ҳамкорликни янада кенгайтира боришини қайд

этиди. Жаноб Укеру Магосаки ўз фаолиятига билдирилган юксак баҳо учун миннатдорлик изҳор этар экан, бундан бун ҳам Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишида хисса қўишини таъкидлади.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада тараққий эттириш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Кабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Солиқ Сафоев, ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комиллов иштирок этди.

(ЎЗА).

## ХАНС ВАН ДЕН БРУК:

### «ЎЗБЕКИСТОНДАН ИБРАТ ОЛСА АРСИЙДИ»

Мамлакатимизга ташриф буюрган Европа Иттифоқи Комиссияси комиссари Ханс Ван Ден Брук журналистлар билан учрашиб, улар билан республикамизда сафари якунлари тўғрисида суҳбатлашди.

Ханс Ван Ден Брук Ўзбекистонга ташрифи самарали бўлгани ҳақида сўзлар экан, Европа Иттифоқи (ЕИ) билан республикамиз ўртасидаги алоқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар бераётган натижалар тўғрисида қўишликни паллага кирганини таъкидлади. Маълумки, аниқ вақтда Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан кенг қамровли ҳамкорлик қилиш учун муҳим ҳужжат тайёрламоқда. Бугун Ҳамдўстлик Давлатлари орасида Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан савдо-сотиқ муносабатларида салмоқли ўрин тутиши унинг ўсиб бораётган қўдратидан дарақдир.

Учрашувда журналистлар Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли билан қизиқди-

лар. Ханс Ван Ден Брук ҳар икки томон молиявий-техник соҳада ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканини билдириб, бу борадаги ҳамкорликка икки йил олдин лойиҳа қўйилганини таъкидлади. Дарҳақиқат, мамлакатимиз ва Европа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тез суръатлар билан ривожланиб бораётган. Агар Ўзбекистон билан Европа Иттифоқининг маҳсулот айирбошлаш ҳажми ЕИ билан Кавказдаги уч республика ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажмидан уч баробар кўп эканини ҳисобга олсак, ҳамкорлигимизнинг истиқболли порлоқлигига амин бўлиш мумкин.

— Ўзбекистоннинг ўзига ҳос иқтисодий ривожланиш модели ҳақида нима дея оласиз? Журналистларнинг бу саволига Ханс Ван Ден Брук: Марказий Осиё мамлакатлари нафақат тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, балки иқтисодий ривожланишда ҳам Ўзбекистондан ибрат олса арсийди, деб жавоб қилди.

(ЎЗА).

## МУСТАҚИЛЛИККА СОДИҚМИЗ!

12 АПРЕЛЬ кунин Юқоричирчиқ туманидаги «Йиқота» жамоа ҳўжалиги маданият саройида халқ депутатлари Тошкент вилояти, шаҳар ва туман Кенгашиларининг вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари иштирокатида кўшма сессиясиз бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Э. Рўзиев бошқарди.

Сессияда «Россия федерацияси Давлат думаси Беловез битимларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганини ва собиқ совет ҳудудидаги интеграцион жараёнлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари Кенгашилари кўшма қарори лойиҳаси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов шу ҳақда маъруза қилди. Маърузачи мустақиллик йиллари ичида республика-иқтисодий ислохотлар тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов шу ҳақда маъруза қилди. Маърузачи мустақиллик йиллари ичида республика-иқтисодий ислохотлар тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

лохотларни изчил амалга ошириш бўйича рўйбага чиқарилган режалар аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Энг муҳими мустақиллик тўғрисида мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ерли, мулки бўлмоқда. Биргина Тошкент вилоятида ҳозирги кунда уч мингдан ортиқ тадбиркорлик тизимлари, 2800 дан зиёд фермер-деҳқон ҳўжалилари ташкил топди. 42 тадан кўпроқ турли хорижий мамлакатлар, фирма ва ишбилармонлар билан ҳамкорликда кўшма корхоналар барпо этилди. Буларнинг ҳаммаси қисқа муддатда мустақиллик, ислохотлар берган самаралардир.

Шунинг учун ҳам сессия катнашчилари Россия Федерацияси Давлат думасининг собиқ иттифоқи тиклаш тўғрисидаги қарорига муносабат билдириб, республикамиз Президентини Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Хора-

эм вилояти Кенгаши сессиясида ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УЗА муҳбирининг бу борадаги саволларига жавобларида баён этган фикрларни яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Сессияда сўзга чиққан Юқоричирчиқ тумани ҳокими, вилоят Кенгаши депутати М. Қалқулов, Янгибод шаҳридаги «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Олий Мажлис депутати Г. Сиддаков, Уртачирчиқ туманидаги 3-мактаб директори, туман Кенгаши депутати М. Умарқуллова, Чирчиқ шаҳридаги «Гўна» корхонаси бўлим бошлиғи, шаҳар Кенгаши депутати Л. Шарипова, Охангарон туманидаги Телов кишлоқ фуқаролар йиғини раиси, туман Кенгаши депутати Х. Солиқов, Куйичирчиқ туманидаги 13-мактаб директори, туман Кенгаши депутати Р. Ли, Ангрэн шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари раиси, шаҳар Кенгаши депутати Ф. Қари-

мов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати электр монтери, шаҳар Кенгаши депутати В. Киргасолов, республика Ешлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг биринчи котиби Р. Солиқов, Охангарон шаҳар «Маҳалла» хайрия жағфармаси раиси, шаҳар Кенгаши депутати Т. Жумабоев, Тошкент Давлат аграр университети кафедра мудирини, профессор Э. Каримовлар Тошкент вилояти меҳнат-кашлари, бутун аҳолиси бундан бун ҳам истиқлолимизни мустақамлашга, республикамиз раҳбарияти томонидан белгиланган тараққий йўлини изчил давом эттиришга, ҳаммамиз учун муқаддас бўлган мустақиллигимизга ҳаммиса содиқ қолажакларини таъкидладилар.

Сессия катнашчилари кун тартибидagi масала юзасидан кўшма қарор лойиҳасини бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

Сессияда қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

## Вилоят ҳокимлигида

## БИРИНЧИ ЧОРАК ЯКУНЛАРИ-МУҲОКАМАДА

Жорий йилнинг биринчи чорагида Тошкент вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш якунлари, ислохотларни амалга оширишнинг бориши, бу соҳаларда эришилган ютуқлар, йў қўйилган камчиликлар ва нуқсонлар нима даражада, уларни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш керак? Вилоят ҳокимлигида кўшма сессия ўтказилди. Унда вилоят ҳокимининг ўрибосарлари, вилоят ҳокимлиги бошқармалари ва бўлимларининг раҳбар ходимлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ва бошқалар қатнашдилар. Иштирокчилар вилоят ҳокими Э. Рўзиев олиб борди.

Йилгилишда маъруза қилган вилоят ҳокимининг ўрибосари А. Раҳимбоев вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг 1995 йил биринчи чораги якунлари ҳақида батафсил тўхтади. Саноат ишлаб чиқаришида сезиларли иқтидорлиқ эришилди. Унинг ҳажми ўтган йилнинг биринчи чорагидан нисбатан 2,6 фоиз ошди ёки деярли 450 миллион сўмлик кўп турли-туман маҳсулотлар буюртмачиларга етказиб берилди. Кенг истеъмол буюмларини тайёрлаш ҳам муайян даражада ортиб, ўтган йилнинг шу давридагига солиштирилганда 100,6 фоизни ташкил этди. Қурилиш мажмуида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Салкам йигирма километр узунликдаги янги газ қувурлари қурилди. Натижада, икки минг хонадон қўлай «зағориги олов»дан фойдаланиш имконига

эга бўлди. Шундай қилиб, вилоятда хонадонларни газлаштириш даражаси 72 фоизга етди. Ичимлик сув тармоқлари, уй-ҳўйлар қурилиш учун аниқгина ҳажмда капитал сармоялар сарфланди. Чорак якунлари вилоятда ишлаб чиқаришдан фойда олиш ҳам кўпаяётганлигини кўрсатди. Унинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридаги қараганда 36,7 фоизни ташкил этди.

Шу йилнинг биринчи апрелга келиб кичик корхоналар сони уч мингга яқинлашди қолди. Тўрт юздан ортиқ тадбиркорлик тизимлари барпо этилиб, бу соҳа бўйича биринчи чорақ режаси ошириб адо этилди.

Оқибатда январь ойида 25 миллион сўм зарар қўрилди, февраль ойини эса ўн саккизта корхона зарар билан яқунлади. Бундай корхоналар Ангрэн, Охангарон, Янгибод шаҳарларида бор. Зарарнинг деярли тўртдан уч қисми Олмалиқ кон-металлургия комбинати уллуғига тўғри келиши ачинарлидир.

Дебитор ва кредитор қарзларининг катта ҳажмдалиги катта ташвиш билан тилга олинди. Уларнинг ҳажми бир неча миллиард сўмни ташкил этади. Олмалиқ, Чирчиқ, Ангрэн шаҳарлари бу соҳада кескин оқмақома. Бюджетнинг даромад қисми бажарилгани билан айрим тармоқлар бўйича тушаётган тушумлар режада белгиланганидан ҳам бўлмоқда. Бу қатор соҳаларни маблағ билан таъминлашда кийинчиликларни юзга келтирмоқда. Кўпгина шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари хали ҳам эскилик сарфити — боқимандалик кайфиятидан халос бўлмаганлар. Улар кўшимча маблағларни топишнинг маҳаллий имкониятларини қидириб топиш, ишга солишга қўиқмайдилар. Юқоричирчиқ, Чиноз, Қўйраб туманлари, Олмалиқ, Охангарон ва қатор бошқа шаҳар-туманларда бюджетнинг даромад қисми бажарилмаганилини шу билан изоҳлаш мумкин. Деҳқончилик-саноат мажмуида-

## РЕПОРТАЖ ДАЛАЛАР УЙҒОҚ

ҲАМИША биринчи бўлиш умиди бошқа соҳаларда бўлганда, деҳқончиликда ҳам касб эгаларига тинчлик бермайди. Улар ҳам бошимо шу мавқеини сақлаб қолиш ҳаракатида бўладилар. Уртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номи жамоа ҳўжалиги ҳақида сўз кетганда беҳтисёр шу фикрлар ёдга келади.

Ҳар йили экинни биринчи қаторида тугаллаб, ҳосил йилги-теримини ҳам илгорлардан бўлиб яқунлашни, режани биринчи бўлиб адо этишга одатланган жамоа ҳўжалиги деҳқонлари бу йил ҳам эрта баҳорданқ астойдил ишга киришдилар. Ҳамма бирдек ҳаракатда.

Механизатор ҳам, севякчи ҳам шу ерда ади. Улар машинанинг уёқ-бўғини кўздан кечириб турган эдилар.

— Тайёрмисизлар, — деди бош ҳўсолот улар билан хол-аҳвол сўрашаркан.

— Бўлмасам-чи, — деди механизатор ва чаққонлик билан тракторга чиқиб олди. Севякчи ҳам ўз ўрнини эгаллади.

— Қани, бошладик.

Кўп ўтмай агрегат аста-секин юриб кетди. Ерга уруғ туша бош-

лади. Бош ҳўсолот ва бригада бошлиғи дарҳол уруғлигини қанчалик чуқурликка тушаётганлигини текшириб кўришга тутиндилар. Яқини, дейишди улар ва давом этавер, дегандек механизаторга ишорат қилдилар.

Апрель ойининг биринчи ҳафтаси тугаб бораётган эди ўшанда. Бош ҳўсолот ўз ёнига тажрибакорлар, бригадирлар, механизаторларни олиб, дала айланганиди. Тупроқнинг ҳолатини текшириб кўришди. Ариқ-завурулар қандай тозаланганини яна бир бор назардан ўтказишди. Ҳаммаси жойида, ҳаммаси тахт, Леки кун исиб кетмапти-да! Нима қўламыз, бошлайверамизми? — Уйлаб ўтиришга фурсат йўқ, — дейишди тажрибакорлар.



Зора кунлар исиб кетса! Кўпчилик бу гапни қўллаб-қувватлади. Уруғ тайёр, техника созилаб қўйилди. Фурсатини бой бермайлиди.

Ана шундай кейин янги йил ҳосили хирмони учун уруғ қаддашга киришилди. Бу ишни Рустам Саидахмедов биринчи бўлиб бошлаб берди. Уша кунин салкам беш гектар ерга уруғ қадалди. Эртасига бошқа бригадаларда ҳам иш қилиб кетди. 26 та экин агрегатининг ҳаммаси далага олиб чиқилди. Ҳар бир агрегат билан кунига 5-6 гектардан майдонга, жами бўлиб 140-130 гектар ерга чигит экила бошланди.

Кунин кеча эса сўнгги гектар ерларга уруғ қадаш бошланди. — Экинни яқунлаш арафасида туришимиз, — дейди бош ҳўсолот, — механизаторларимизга раҳмат. Улар роса ғайрат қилишди. Астойдил ишладилар.

Дарвоқе, механизаторларнинг ҳар йили ҳам таҳсинга сазовор иш қилишлари, ерни ҳайдашдан тортиб, ҳосил йилги-теримингача бўлган жараёнларда фидойилик кўрсатиб, жамоанинг раҳматига сазовор бўлаётганликлари беҳиз эмас, албатта. Чунки улар азал-азалдан техникага меҳр, ихлос қўйишган, қадрлашган, эъзозлашади, авайлашади.

— Бу йил, — дейди бош ҳўсолот, — 935 гектар майдонда пахта етиштирамиз, кам деганда 2550 тонна ҳомашиб етказиб берамиз. Бунинг учун аниқ кунларда замин яратилапти. Экин билан бирга даланинг ҳолатига қараб гектарига белгиланган миқдорда аммофос ўғити ҳам бериб чиқилди. Бу йил асосий еримизга «Наманган-77» нав пахтасининг уруғлиги экилмоқда. Уруғ ерга мўлжалдаги чуқурликда қўишди, кунлар исиб кетса унинг бир текис униб чиқушига ишончимиз қомил. Чунки экиндан олдин сараланган, дориланган.

Биринчи бўлиш масъулияти Охунбобоевликларни экин масъулининг дастлабки кунлариданоқ ана шундай уюшқоқлик ва ҳамжихатлик билан ишлашга ундаяпти.

Суратларда (чапдан ўнганга) кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мирқомил Мирқўлиев, бригада бошлиғи Рустам Саидахмедов, севякчи Абдуғофур Умаров ва бош ҳўсолот Олтой Шеримбетовлар уруғлигининг сифатини кўздан кечирмоқдалар; чигит экин пайти.

Александр МАЛЬЦЕВ олган суратлар.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

### ЯНГИ ТИЗИМ ТАДБИРКОРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

9 апрель кунин товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар вилоят палатасининг конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 12 мартдаги «Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонида асосан ташкил топган товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар вилоят палатаси ўз олдига бозор инфратуруктурасининг тўлиқ тизимини шакллантириш таъминлаш, кичик, урта ва ҳуёсуий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мулкдорлар синфини жадал шакллантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифаларини ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Шунингдек, палата тадбиркорликни ривожлантиришга ҳадақат бераётган муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича тақлифларни ҳокимият эътиборига ҳавола этиш, Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига киритиш, халқаро илмий-техник ҳамкорлик олиб бориш, маҳаллий саноатини экспортга йўналтириш каби бир қатор тадбирларни ҳам амалга оширади.

Илгиларида Ҳосил Худойбердиев товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Тошкент вилоят палатасининг раиси этиб сайланди.

Конференция ишида Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раҳбарининг муовини Михаил Умаров иштирок этди.

Хусан ҚУЛАЙМОНОВ.

### ЯЛПИ ЭМЛАШ КУНЛАРИ

Бор йўғи икки томчи вакцина — болалар учун ҳаётбахш маҳамдир

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар фонди (ЮНИСЕФ) ёрдами билан Ўзбекистонга полиомелияга қарши етти миллион доза вакцина келтирилди.

Шу муносабат билан Республикаимизнинг ҳамма жойларида 11—13 апрель ва 12—15 май кунларида полиомелияга қарши миллий эмлаш кунлари бўлади.

Вилоятимизда ҳам бу тадбир уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Барча болалар доволаш-профилактика ва мактабгача тарбия муассасаларида маҳсул эмлаш пунктлари ташкил этилди. Эмлашни маҳсул тиббиёт гуруҳлари олиб боришмоқда. Миллий эмлаш кунларининг вазифаси Ўзбекистонда полиомелиянинг ёвсуий вирусини йўқ қилиб юборишга эришишдир.

Болаларнинг озгина бор-йўғи икки томчи вакцина томизлади, бу эса уларни оғир вирусли асталик бўлган полиомелия билан оғришдан халос этади ва юзларча минг болаларни умр-бод ногирон бўлиб қолишдан сақлайди.

Болаларнинг озгина бор-йўғи икки томчи вакцина томизлади, бу эса уларни оғир вирусли асталик бўлган полиомелия билан оғришдан халос этади ва юзларча минг болаларни умр-бод ногирон бўлиб қолишдан сақлайди.

Собир ҲАМИДОВ. Миржалол АЛИ.

# ПРЕЗИДЕНТИМИЗ КИТОБИ ПАРИЖДА НАШР ЭТИЛДИ

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасидаги ижобий ўзгаришлар, республиканинг ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиёти ҳамда очик ташқи сибатта асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамияти барпо этиш йўлидан дадил бораётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан тобора кенгроқ эътиборга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби Парижда француз тилида нашр этилгани бу фикримизни тасдиқлаб турибди.



Китоб муаллифининг француз китобхоналарига сўзбошиси билан очилди. «Хурматли китобхон, — деб ёзди Ислам Каримов, — қўлингиздаги китобда Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар қандай амалга оширилётганини тасвирлаб беришга, энг долзарб муаммолар ҳамда уларни ҳал этишга ёндашувларни кўрсатишга, тўпланган тажрибани умумлаштириб, келажакка назар ташлашга, яқин келажакда биз асосий диққат-эътиборни қаратадиган йўналишларни белгилашга ҳаракат қилимиз».

Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин босиб ўтилган йўл таҳлил қилинган, қўлга киритилган ютуқлар ҳамда ҳал этилмаган муаммолар хусусида мулоҳаза юритилган. Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг истиқболга равшан назар ташланган. Муаллифининг таъкидлашича, бу дастурни амалга ошириш жараёнида иқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани мустаҳкамлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, кичик хусусий корхоналар барпо этишни авж олдириш, чинакам рақобат муҳитини вужудга келтириш лозим. Буларнинг ҳаммаси туб тарихий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни жаҳон бозорига олиб чиқишни таъминлайдиган сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш жараёнини тезлатиш учун мустаҳкам негиз бўлиб хизмат қилади.

Ислам Каримовнинг асари «Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи яқунлари ва сабаблари» ҳамда «Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичи вазибалари» деб номланган икки қисмдан иборат. Китобда иқтисодиётни ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқиш, бу жараён учун ҳуқуқий негизни яра-

БЕКБОБДАГИ 16-автокорхона жамоасининг шухрати вилоятимиздагина эмас, ҳатто, республикамизда бўйлаб кенг тарқалган. У сафига турли миллат вакиллари бўлиши транспортчиларни бирлаштирган корхона меҳнат аҳлининг жуда кўп ибратли ишлари бошқаларга намуна қилиб кўрсатиладиган қўнчиликка маълум. Шу жамоа ташаббуси билан бошланган каттор ватанпарварлик ҳаракатлари бутун республикамиздаги турдош корхоналарда кенг тарқалиш учун тавсия этилган эди. Янгиликка чанқоқ транспортчилар иқтисодий ислохотларни жорий қилишга биринчилар қаторида киришганлари ҳам шундандир. Республикада иқтисодий ислохотлар бошланиши билан ҳўжаликни юритишнинг янги усулларига ўтиш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Уларнинг қайси бирини танлаш лозим. Корхона анча катта, юзлаб автомашиналари бор, ишчи хизматчилари сони эса 600 киши атрофида. Уларнинг аксарият кўпчилиги узок йиллардан бери шу даргоҳда ишлаб келишляпти, рўзгорларини шу ердаги меҳнатлари эвазига толган-тутганлари билан тебратишади.

Жамоа ҳар бир аъзосининг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинди. Натияжада хиссадорлик жамиятига ўтиб ишлаш маъқул кўрилди. Ишлаб чиқариш бу усулининг афзалликлари қатори қийинчиликлари ҳам борлиги ҳас-пўшаламай тушунирилди. Лекин, энг муҳими жамоа корхонанинг соҳиби бўлиб қолишида қанчалик ҳар бир ишчи-хизматчининг онгига етказилди. Шундай бўлгач фойда

ни сарфлаб ишлашга ундади. Ҳар бир ишчининг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлиги кескин қунайди. Яхши ишлаган яхши маош оладиган бўлади. Айни вақтда олинган фойда ҳисобига ишлаб чиқариш жараёнларини тақомиллаштиришга қаратилган техникавий тад-

## Хиссадорлик жамиятларида

таса шунча сотиб олди. Акцияларнинг фойда беришига ишонмаганларга эурланмади. Бирок, эндиликда улар афсусломқодлар, чунки акцияларни сотиб олганлар зиён кўришди.

«Сорбон» жамияти хиссадорлари сафида ҳозирги вақтда 643 нафар киши бор. Уларнинг айримлари ўнча ва ундан ҳам кўпроқ акцияларни сотиб олинган эди. 1995 йилда меҳнат қилган жамият ишчи-хизматчилари дурустгина миқдорда даромад ва фойда олинди. Фойданинг анчагина қисми акциялар учун дивидендга ажратилди. Дивиденд миқдорининг акцияларнинг номинал қиймати-дан ҳам ошқ бўлганини диққатга сазовордир. У ҳар бир акцияга 150 фойздан тўри келади. Содда қилиб ҳисоблаганда ҳар юз сўмлик бўлган битта акция унинг эгасига бир юз эллик сўм фойда-дивиденд келтириди. Бу мулкка эгаллик қилиш натижасида, айни пайтда, у республикамизда ижтимоий йўналишдаги бозор муносабатларига ўтиш ва шу йўлда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар фуқароларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, фаронглигини оширишга қаратилганлигини ёрқин далиллади.

Корхона жамоаси ўзи эгаллик қилаётган жамият мулк қисмини муттасил кўпайтириб боришни, бунинг учун давлат иқтиёридаги акцияларни сотиб олишни мақсад қилиб қўйган. У корхонанинг тўла ва ягона соҳиби бўлса оладиган даромад ва фойдаси кўнади, демак дивидендлар миқдори ҳам ортади.

Собир МАҲМУДОВ.

# 150 ФОИЗДАН ДИВИДЕНД

хам, зарар ҳам фақат жамоаники бўлиши, шунинг учун умумий, сифатли ишлаш меҳнат мезонига айланиши алоҳида таъкидланди.

Кўпчиликнинг розилиги олинб, корхона негизда хиссадорлик жамиятини барпо этишга қарор қилинди. Унинг ёпиқ шакли танлаб олинди. Бунда фақат жамоанинг ўзи корхона-мулк эгаси бўлади. Ишчи-хизматчилар четдан шериклар қидириш, маблағлар жалб қилишни эп қарор қилди, ўз кучларига ишондилар. Албатта, улар бутун корхонани бир йўла сотиб олишолмасди. Шунинг учун корхона мулкнинг муайян қисмини ўз ихтиёрига олдилар. Анчагина қисми эса давлат тасарруфига қолди.

Корхона хиссадорлик жамиятига айланган «Сорбон» деган ном олди. Мулка соҳиблиқ хисси барча транспортчиларни бутун маҳорат ва тажрибалари-

бирлар ҳам амалга ошириди. Янги транспорт воситалари ишга туширилади, доимий юк ташуш йўналишларида катнончи автомашиналарнинг самараси ошди, қатор янги миқозлар топилиб, хизмат кўрсатиш кўлами кенгайди. Бу ўзидан олинаётган даромад ва фойда миқдорининг кўпайишига олиб келди.

Акцияларни чиқаришга жиддий эътибор билан муносабатда бўлинди. У асосан жамоа аъзолари ўртасида тарқатилди. Иштиёзлилари кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган, корхонада узок йиллар узлуқсиз ишлаб пенсияга чиққан транспортчиларга берилди. Иштиёзли акциялар уларга номинал қийматдан ҳам бирмунча арзонлаштириб сотилди. Акцияларнинг харид қилиш хиссадорларининг ўзлари истагига ҳавола қилинди, улар мажбуран тарқатилмади. Ким қанча ис-

# ЯНА КАНОПЧИЛИК ҲАҚИДА

Газетамизда Куйчирчиқ тумани мисолида канопчилик ва каноп саноатини ривожлантиришга муаммолар ҳақида мақола (1996 йил 29 февраль) босилди. Унда жамуладан тумани хўжалиқларида кейинги йилларда каноп маҳсулотини еттиштиришда ноҳуси ҳаволи тақлиф қилиниши ва вазиётдаги чиқиш учун қандай тадбирлар амалга оширилаётгани ҳақида батафсил фикр-мулоҳазалар юртилди. Бугун биз яна шу мувоҳза қайтиб, эътиборингизга қўйиладиган мақолали ҳавола этаётимиз.

нингинг афзаллик жиҳатлари шундаки, республикамизнинг қариб барча ерлари каноп экиш учун яроқлидир. Қолаверса, каноп жуда тез ўсувчи бир йиллик ўсимлик, айни пайтда канопадан целлюлоза олишда кимёвий моддалар нисбатан камроқ ишлатилади. Олинадиган маҳсулотнинг таннари ҳам арзонроқ бўлади.

Болга етган ўрмонзор дарахтларидан 15 йилдан бир мартаба целлюлоза олинса, каноп ўсимлигидан бир йилдаёқ 15-20 тонна целлюлоза олиш мумкин. Бунинг устига, ҳатто, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа ҳудудларнинг ўрта ва қисман шўрланган ерларидан ҳам гектарига 150-180 центнердан каноп ҳосили олиш мумкин. Аксарият ҳолларда фойдаланилмайдиган ана шундай шўрланган майдонларга каноп экиш билан канополарни кенгайтириш, қолаверса, ерларнинг шўрланган даражаси камайиб, бошқа экинлар экиш учун ҳали замин ҳозирлаш

пайтириш лозим, деб ўйлаймиз. Қолаверса, ҳўжалиқлар каноп ҳосилини заводга топширишлари жараёнида қабул пунктларида унинг 30-40 ва ҳатто 50 фоизга булган қисмини чиқитиб чиқариш ҳоллари рўй берибди. Булардан ташқари ҳўжалиқлар топширган маҳсулотни учун ўз вақтида ҳақларини ололмайтирлар.

ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ мустақил бўлгач, барча соҳаларда илгарига қараб силжияётганининг гувоҳи бўлганмиз. Ҳатто, собиқ Иттифок давлати ихтисослаштириш тўғрисида бўлмаган, аммо, бошқа республикалар иқтисодиётида асосий ўрин эгаллаган соҳаларга ҳам кенг йўл очилляпти. Ўзбекистон аҳолисининг қундалиқ турмуши учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларини еттиштиришнинг барча соҳалари мамлакатда жорий этиляпти. Бошқа анчанайи экинлар еттиштириш эвазига бўлса-да, дон мустақиллигига эришиш вазибаси муваффақият билан ҳал этиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Вазирилар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган нутқида иқтисодиётдаги муаммоли ва заиф жойларни тўрилайиш учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш учун ҳуқуқий замин ҳозирлаш лозимлигини таъкидладди.

Бизнингча, кейинги йилларда республикамизда канопчилик соҳасига нисбатан тўғриланган йўл орт-бошимиз айтиб ўтган, «муаммоли ва заиф жойлари»миздан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳақ шундаки, собиқ Иттифок даврида Ўзбекистон, фақат, пахта ҳомашёси манбаиғина эмас, шу билан бирга каноп ҳомашёси манбаи ҳам ҳисобланарди. Жумладан, Ўзбекистонда 1970-1988 йиллари канопнинг умумий ер майдони 16,1 — 18,3 миң гектарни ташкил этиб, гектаридан 160-260 центнердан — жами 320 миң тонна каноп етиштирилган. Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманидаги «Полиотдел», Ийк-Ота, А. Ясавий номи жамоа хўжалиқларида эса йилга 500-1000 гектар майдонга каноп экиб, 6-7 миллион сўм даромад олинган.

Туманда йўлчи Маърупов номи кўпчилик яхши билади. У биринчилардан бўлиб хусусий корхона ташкил этиш ташаббускорларидан ҳисобланади. «Дехонбод» жамоа хўжалиги 5-булим ҳудудида тегиримонлар мажмуи қурганига икки йилдан ошди. Шу кеча-кундузда бу ерда одамлар бугдой, шולי, макка ёрмаси тортиш икконига эга. Тадбиркор тегиримон енидаги ташландиқ ерни тозалаб, паррандачилик ва чорвачилик фермасини ташкил этишга киришди. Келажакда эса шу ернинг узида макорон чеши қуриш ҳам мўлжалланган. Тадбиркорнинг ишиби-лармонлиги тўғрисида 20 дан зиёд киши иш билан таъминланди.

Бугунги кунга келиб, канопчилик билан боғлиқ манзара бутунлай ўзгарди. 1995 йилда атиги 1300 гектар ерда каноп етиштирилди. Каноп майдонларининг қисқарибди юборилишининг эса муайян сабаблари бор, албатта.

Каноп юқори тала берувчи ўсимлик. Унинг толасидан қоп, қанор-боп шоллар ишлаб чиқарилади. Нам тормасини тўғрйлик канопадан тайёрланган қопларда ун, шакар, қанни, крахмал, бўёқ маҳсулотлари сақ-

лаб юбориладиган ўсаги, барги, кўсақчалари қурилишда шакл беришда, етти санювта ўйма плита, тахтачавлар, мебель курсилари, сервант ва шкарфлар тайёрлашда ишлатилади. Каноп уруғидан техник мой олиниди, у энг олий мой бўлиб, оғир санювта ва бўёқ олишда ишлатилади. Булардан ташқари каноп ўсимлигидан озиқ-овқат тахнаотлари, Жазир бозоридан пектин моддасининг бир тоннаси 2 миллион доллар баҳоланмоқда.

Шу кунларда мамлакатимизда қозоқ, целлюлоза ҳам муаммо бўлиб турибди. Ҳўзопоядан қозоқ олиш масаласи кўтарилганга бир неча йил бўлди. Айни пайтда олимларимиз каноп поиси таркибидан 55-60 фоиз ва толаси таркибидан 90-95 фоиз целлюлоза борлигини аниқлашди. Шу билан бирга улар каноп поиси ва толасидан тажриба шароитида целлюлоза олишининг мақбул йўлиларини ҳам ишлаб чиқдилар.

Туманда йўлчи Маърупов номи кўпчилик яхши билади. У биринчилардан бўлиб хусусий корхона ташкил этиш ташаббускорларидан ҳисобланади. «Дехонбод» жамоа хўжалиги 5-булим ҳудудида тегиримонлар мажмуи қурганига икки йилдан ошди. Шу кеча-кундузда бу ерда одамлар бугдой, шולי, макка ёрмаси тортиш икконига эга. Тадбиркор тегиримон енидаги ташландиқ ерни тозалаб, паррандачилик ва чорвачилик фермасини ташкил этишга киришди. Келажакда эса шу ернинг узида макорон чеши қуриш ҳам мўлжалланган. Тадбиркорнинг ишиби-лармонлиги тўғрисида 20 дан зиёд киши иш билан таъминланди.

## «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ НИШОНДОРИ

Республикамиз қурилиш материаллари саноатининг тўғри корхонаси ҳисобланган «Бекободцемент» очик турдаги хиссадорлик жамиятида ҳурмат-эътибор қозонган меҳнатсевар ишчилар кўп. «Шуҳрат» медали нишондори, печ машинисти Шароф Умарова уларнинг бири. Уз касбияти меҳр қўйган машинист корхонада йилгирма уч йилдан бери ишлаб келимоқда. Шу давр давомида орттирган бой тажрибасини ёшларга қунт билан ўргатмоқда. Мурабийлик ҳаракатининг фаолларидан бири ҳисобланади. Шу тўғрйлик ҳам корхонада каттаю кичик ҳамма унинг номини иззат-икром билан тилга олади.



Турғун МАҲҚАМОВ ва Нуриддин МАҲҚАМОВ олган сурат.

## МАЪРИФАТ ЧИРОФИ ЁНГАН БИР МАСКАН

## ОБУНАЧИЛАРНИНГ КўНГЛИГА ЙўЛ ТОПИБ

Уч йилдирки газетамиз тахририяти обуначилар билан ҳамкорликни тобора мустаҳкамлашмоқда. Бир йилга тўлиқ ёзилган обуначилар ўртасида лотерея уйини ташкил этилган. Даставвал машъалхонларнинг 30 фоизи уйинда қатнашган бўлса, утган йили 40 фоизи, 1996 йил обунаси лотереясида эса 50 фоизи иштирок этди.

Яқинда Собир Раҳимов туманидаги 24-ўрта мактаб ташкил этилганининг 80 йиллик тўйи бўлиб ўтди. Даврани тўндириб ўтирган кекасю-ёшлар мана шу мактаб бўлуғидан сув ичган, маърифатга эришган. Каерга қараман ажойиб лаҳзалар, дийдорлашув, суҳбатлар гувоҳи бўлмасиз. Чиндан ҳам байрам баҳона бу кун.

узоқ йиллар бир-бирлари билан қуришолмай юрган ёр-биродарлар, синфдошлар қизгин гурун қуришарди.

Кекса педагог, ярим асрдан бери мана шу даргоҳда маърифат чирогини ёқиб келаятган, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Ҳамидулла ака Йўлдошев сўз олиб, мактаб

ҳаёти, унинг шонли йўли, устозлар ва шоғирдлар ҳақида хикоя қилди. Ҳаммага яхши таниш, мана шу мактабнинг собиқ ўқувчиларидан бири, машҳур кинорежиссёр Малик Қюмовни, Тошкент давлат техника до-рифтунуни ректори, академик Тўлқин Мирқомиллов, ёзувчи ва драматург Абдуқадир Иброҳимов ва бошқа кўплаб сўзга чиққан азиз меҳмонларнинг дил сўзлари, илм маскани шаънига айтган тилақлари ҳамманинг қизгин олқишига сазовор бўлди.

Хиндистоннинг таниқли давлат арбоби Лайл Бахадир Шастри номи билан атала бошлаган мактаб жамоасини қўтлаш учун келган Хиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Братха Қумар йиғилганларни ушбу айём билан муборакбод этди.

Биз уйинда иштирок этишни ҳоҳловчиларнинг рўйхатини газетамизда эълон қиламиз. Тартиб рақами лотерея номери ҳисобланади. 17 февраль кунга газетамиз 64 ёшга тўлди. Шу муносабат билан туман ҳокими муовини, Ўзбекистон Журналистлар уюмаси аъзоси Ҳамид Норқўлов раислигида уйин ўтказилди. Бунда Тўйтепадаги 7-болалар боғчаси кичкинтойлари ютуқлар эгалларини аниқлашда ердан бердилар.

Кекса педагог, ярим асрдан бери мана шу даргоҳда маърифат чирогини ёқиб келаятган, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Ҳамидулла ака Йўлдошев сўз олиб, мактаб ҳаёти, унинг шонли йўли, устозлар ва шоғирдлар ҳақида хикоя қилди. Ҳаммага яхши таниш, мана шу мактабнинг собиқ ўқувчиларидан бири, машҳур кинорежиссёр Малик Қюмовни, Тошкент давлат техника до-рифтунуни ректори, академик Тўлқин Мирқомиллов, ёзувчи ва драматург Абдуқадир Иброҳимов ва бошқа кўплаб сўзга чиққан азиз меҳмонларнинг дил сўзлари, илм маскани шаънига айтган тилақлари ҳамманинг қизгин олқишига сазовор бўлди.

Кутлуғ сана муносабати билан шу кун мактаб ўқувчиларидан бир гуруҳи «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишон билан ва 40 га яқин муаллимлар пул мукофотлари билан тақдирландилар. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар

қизгин олқишига сазовор бўлди.

Қутлуғ сана муносабати билан шу кун мактаб ўқувчиларидан бир гуруҳи «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишон билан ва 40 га яқин муаллимлар пул мукофотлари билан тақдирландилар. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар

Тантанали кечага дилбар наволари, мумтоз кўшиқлари билан шу мактабнинг собиқ ўқувчилари — Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ҳайрулла Лутфуллаев ва Ўзбекистон халқ артисти Қахрамон Дадаевлар ўзга-ўзга фойз киритдилар.

Тошкент Давлат аграр дорилфунуни ўқув-тажриба ҳўжалиги ишчиси Г. Низомидинов, Ўзбекистон шолчилик илмий-тадкикот институти ходими Э. Эрматов, нон комбинати ишчиси У. Турдалиева, 15-мактаб мурабийиси Х. Жумабоева, туман сутли таомлар корхонасидан Ш. Оминов ва бошқалар ютуқ эгалари бўлишди.

«Обуна-96» лотерея уйинида жамми 135 машъалхон совғали бўлди.

Қутлуғ сана муносабати билан шу кун мактаб ўқувчиларидан бир гуруҳи «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишон билан ва 40 га яқин муаллимлар пул мукофотлари билан тақдирландилар. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар

Қутлуғ сана муносабати билан шу кун мактаб ўқувчиларидан бир гуруҳи «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишон билан ва 40 га яқин муаллимлар пул мукофотлари билан тақдирландилар. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар

Қутлуғ сана муносабати билан шу кун мактаб ўқувчиларидан бир гуруҳи «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишон билан ва 40 га яқин муаллимлар пул мукофотлари билан тақдирландилар. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар

Қутлуғ сана муносабати билан шу кун мактаб ўқувчиларидан бир гуруҳи «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишон билан ва 40 га яқин муаллимлар пул мукофотлари билан тақдирландилар. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар

Усмонали ҲАМИДОВ, Уртачирчиқ тумани «Машъал» газетаси муҳаррири.

Усмонали ҲАМИДОВ, Уртачирчиқ тумани «Машъал» газетаси муҳаррири.

Усмонали ҲАМИДОВ, Уртачирчиқ тумани «Машъал» газетаси муҳаррири.

Усмонали ҲАМИДОВ, Уртачирчиқ тумани «Машъал» газетаси муҳаррири.

Усмонали ҲАМИДОВ, Уртачирчиқ тумани «Машъал» газетаси муҳаррири.

Усмонали ҲАМИДОВ, Уртачирчиқ тумани «Машъал» газетаси муҳаррири.



Кизиқарли учрашувлар

ИЖОД... УСТИДА УШЛАНДИ

Шоир ва драматург Ҳайдар Мухаммад 60 га тўлган кунни ҳам қалам тебратиб ўтирарди

Биз уни ҳамма номли театр олдиди учратармиз деб ўйлаган эдик. Режа тўғри чиқмади, шекалли, у гуноп қилишдан жойда йўқ эди. Ўзбекистон халқ артисти Тўлқин Тоқиев саросимада турганимизни пайқаб қолди чоғи. «У қониб юрибди. Мен ҳам бир неча кундан бундан кўраман. Уйда яшириниб ётган бўлса, ажабмас. Таъминнинг тўғри чиқса, уни ижод устида ушлаш мумкин», — дейди. Масалага амак қилиб Бешиқайратч дахаси томон йўл олдик.



Тоғларда баҳор.

англайсиз? — Замон — бу ўткинчи тушунчадир. Ёзувчи эса бугун, эрта ва келажак қилиши бўлмоғи керак. Шунинг учун ёзувчи замонни тўлиқ идок этиб, келажакка дадил одимлаши учун ўтмишни чуқурроқ ангамоғи зарур. Мен яна шу нарсага амин бўлдимки, адолатли асарни халқ улуглайди. Ҳеч қачон халқ ёзувчидан қардор бўлмайди. Ёзувчи ҳаммаша ўз халқидан қардордир.

Адибнинг шаклланишида иймон-этикод ҳам асосий ўринни эгаллайди. Шундай эмасми?

— Шубҳасиз. Менимча, адибнинг иймон-этикоди ягона бўлиши керак. У ҳам бўлса — ҳақиқат. Адибнинг бош йўли ҳаммаша башариёт ҳақиқати бўлиб келган. Бунинг эркин мисоллари халқимизда бор. Масалан, Лутфий, Навоий, Бобур, Нодира ва ҳоказо. Улар асрлар бағридан келган дадил ўғиб бормадилар.

— Ҳайдарнинг, ёзувчининг асосий «қуроли» нима? — Шубҳасиз — бу тилдир. Тил менинг буюқ дардим. Мен бир маҳал шундай тўртлик ёзган эдим:

«Алла»ни айт она тилингда, кизим,

— Боланг юз йил яшаса, юз йил тилингни тиркидир.

Истаган тилингда йилга азда, дон колдузим.

Улиқка тил на ҳожаат, ўлик мангу ўлиқдир...


Бир сўз билан айтганда тил — миллат. Тил — адабиёт. Тил — маданият. Тил — санъат. Ўз она тилингни яхши билган ҳолда бошқа тилларни ҳам ўрганиш бу оқсоқ фавқалтадир. Ўз она тилдан тонган инсон ота-онасидан тонган кимса билан баробардир.

— Сўхтаб яхши бўлди. Яна қандай фикрларингиз бор?

— Биринчи навбатда мен «Тошкент ҳақиқати» газетасига алоҳида раҳматлар айтгим келарди. Нега дейман, кўнча менинг янги асарларим дастлаб мана шу рўзмонада босилган.

«Оқ фотиха» олғач, сахнага, эфирга йўл олган «Мирнинг бир доғони», «Хотинлар «гапидан чиққан хангома», «Навоий бир кунини ўхшаш драматик асарларнинг парчалари, энг аввало, мана шу газетда чоп этилган...»

Хис-ҳаяжонга берилиб кетиб, бироз баландроқ гапириб юборган бўлсам, уэр, Чунки, мени ҳам гуноҳ хатолардан холи эмасман, Сўхбатдош Абдурахим УМАРБЕКОВ.



Тоғларда баҳор.

Даврон АХМАД сурат-лаҳзаси.

БОЙЧЕЧАК (қатра)

Кўёш қарақаб чичиб, илпк шамоллар эса бошлади. Ариқ бўйлариди ям-йил майсалар унуб, кўзни қувонтирди. Айниқса, қишлоғимиз ёнидан ўтган сойнинг атрофи жуда ясабни кетди. Қум-қўқ майсалар яшил гиламдек товланади. Бирдан кўзим майсалар орасиди бойчечакка тушиб қолди. Бойчечак... уни йил бўйи роса соғинибман. Дастлаб унга олиб келим-ла, гулдона солиб қўйдим. Сўнг ювгани ҳовлига чичиб кетдим. Қайтиб унга кирдим, қотиб қолдим.

Ойим қўллари билан юзюни яширган ҳолда дарс столимга суяниб ўтирар, елкалари титраб эди.

— Ойи, нега йилгайсиз? — дедим ҳайрон бўлиб.

Ойим қизарган кўзлари билан мени ят этиб қаради-да, истар-истамас жилмайган бўлиб «Ўзим-деди. Сўнгра қўшиб қўйди. «Тоғангни эслаб кетди». Мен тоғани кўрмаганман, фақат урушда бўлганингни эшитган эдим.

Ойим давом этди.

— 1945 йилинги март ойлари эди. Даладан келганимни бир дон бойчечак топиб олдим. Шу кунни тоғанга хат ёзиб, бойчечакни ҳам қўшиб юбордим. Аммо ҳақданга жавоб келавормди. Бир кун хат келиб қолди. Конверт очсам, хат урнида да ўша кундан бойчечак. Конверт устидаги даст-хат бутунлай бошқача...

Ойим бошқа гапирмади. Мен бойчечакни домим шовдик, баҳор элчис деб юрардим. Фикрларим тўс-тўполон бўлиб кетди. Урушга лаянатлар ўқидим.

Бу воқеага ўттиз йилдан ошиб қолди. Қўни кеча улим топиб келган бир дон бойчечак мени ушадан ойим билан бўлиб ўтган ана шу воқеани ёлмига тушириб, ҳақига толдиран эди... Абдурахим МАТКУЛОВ.

ЛИМОННИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

«...Лимон қони суолтиради, шунинг учун у кекса одамларга анча фойдали», дейишади. Ростдан ҳам шундайми? Мана шунга ўхшаш саволлар билан муштарийлар тез-тез тахририятимизга мурожаат этиб туришибди. Қуйида биз улардан айриқларига жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

— «Конни суолтириш» ибораси билан гапни бошлай қолайлик, бу илмий атама эмас. Бунда асосан қоннинг қуолиниши пасайиб кетиши кўпроқ назарда тутилади. Аммо ҳеч бир озик-овқат маҳсулоти, шу жумладан лимон ҳам қонни қуолишига таъсир кўрсатмайди.

Бу билан лимонни фойдасини буткул йўққа чиқармоқчи эмасми, асло. Лимоннинг жуда кўплай фойдали хусусиятлари бор. Энг аввало, у дармондориларга жуда бой, хусусан, организм учун ниҳоятда зарур бўлган Р ва С витаминлар манбаидир. Улар қон томиллари деворларини мухташамлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари лимон мевасида 3,5 дан 8,1 фоизгача қислота мавжуд, энг асосийси — лимонли қислота. Бу қислота эса тўқималарни нафас олишда биохимик реакцияда иштирок этади, қонни қислота — ишқорий мувозанатини ростлаб туради.

Лимонда кўп миқдорда темир, фосфор, калий, кальций, магний тузалари мавжуд бўлиб, улар организмдаги моддалар алмасишунини фасолаштиради. Унинг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири апельсин ва мандариндан акси ўларок, болаларда аллергия реакцияларни деярли келтириб чиқармаслигидир.

Битта лимон, қатта ёшдаги одамни суткалик эҳтиёжини қондирадиган миқдорда С витамини билан бемалол таъминлайди.

ИРИСМЕТОВНИНГ САККИЗИНЧИ ТҮПИ

ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон Кубоги учун нимчорак финал мусобақаларининг дастлабки тур ўйинлари бўлиб ўтди. Вилотимизнинг «Дўстлик» клуби жамоаси яна бир галабини қўлга киритди. Қишлоқ футболчилари тўртинчи гуруҳда «Шахрихон» жамоасини қабул қилишиб, 2:0 ҳисобида устун келдилар. Аввалги учрашувлардагидек бу сафар ҳам жамоанинги моҳир тўпурчари Жаъфар Ирисметов ўзини кўрсатди. Маълумки, ҳар бир командада бир ёки икки етакчи ҳужумчи бўлади. Жаъфар эса «Дўстлик»нинг ана шундай етакчи ўйинчиси ҳисобланади. Учрашунинг 18-дақиқасида Ж. Ирисметовни жамоадоллари муваффақият билан қўтлашди. Биринчи бўлим тугашига икки дақиқа қолганда бу ўйинчи рақиблар дарвозасига яна бир тўп киритишга муваффақ бўлди. Бу ютуқ «Дўстлик» жамоа клубининг биллар соврин учун бўлаётган бахшлардаги бешинчи галабасидир. Кеча вилотимиз вакиллари Муборакнинг «Машъал» жамоаси билан учрашди. Шу гуруҳда беллашаётган «Машъал» — «Трактор» учрашувида ҳисоб очилмади.

Бошқа гуруҳ ўйинлари орасида Наманганда маҳаллий футболчилар билан Тошкентнинг МХСК клуби ўртасидаги ўйин муқимлар диққат-эътиборида бўлди. Биринчи бўлимда ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлим эса армиячиларнинг устунлигида ўтди ва улар иккита тўп киритишга (59-минутда О. Усмонжўраев ва 82-минутда М. Курбонвалар) муваффақ бўлдилар. Ҳисоб 0:1 бўлиб турганда майдон эгалари ўн бир метрлик жарима тўпидан фойдалана олмадилар. 70-минутда О. Шаққих бундай имкониятни қўлдан бой берди.

Иккинчи гуруҳда Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари «Гулистон» жамоаси устидан қийин галабага эришди. Мазкур учрашувда тошкентликларнинг ҳужуми қовушмади. Бунинг устига «Гулистон» ҳимоячилари беҳато ўйнадилар. Баҳс тугашига икки дақиқа қолганда учрашув ҳақами тайинлаган ўн бир метрлик жарима тўпини Дилмурод Назаров киритиб, «Пахтакор»га галаба келтирди.

Биринчи турда энг йирик ҳисоб Фарғонада қайд этилди. «Нефчи» Тошкентнинг «Истиклол» клубини 9:0 ҳисобида мағлуб этди. «Прогресс» — «Чилонзор» баҳси 1:1 ҳисобида тугади. Учинчи гуруҳда «Насоф» — «Тўқимачи» учрашуви Қарши футболчилари фойдасига 3:1 ҳисобида аяқланди.

Шарофиддин АКБАРОВ.

ШОХМОТ ҲАММА МУСОБАҚАЛАРДА СОВРИНДОР БҮЛДИ

Тошкентлик халқро гроссмейстер Александр Ненашев йил бошидан бунён ўтказилган 4 та халқро йирик мусобақанинги барчасида муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринни эгаллади. Франциянинг Капел-ла Гранд шаҳрида 42 мамлакатдан келган 500 дан зиёд шохмотчи иштирокида ўтказилган (уларнинг 70 нафари халқро гроссмейстер) турнирда бош совринни қўлга киритди. Швейцарча усулда ўтказилган бахшларда Ўзбекистон шохмотчиси 9 та учрашув ўтказиб, 8 тасида галаба қозонди. Бу турнирда Ўзбекистон спорт шарафини А.Барсов, Р.Мамедова, Р.Қосимжонов, С.Загребельнийлар ҳам ҳимоя қилишди. Вилотимиз вакили чирчиқлик Сергей Загребельний 5,5 очко тўплади.

Александр Ненашев Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида эса бундан ўн йил муқаддам Григорий Аъзамов эришган забарни тақорлашга муваффақ бўлди. Шохмотчимиз Ж.Спилмен (Англия) ҳамда И.Новиков (Украина) билан тенг 7,5 тадан очко тўплади. Очқол коэффициентига қўра Ўзбекистонлик спортчига биринчи ўрин ва бош соврин берилди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ ХАЛҚЛАР ДҮСТЛИГИ САРОЙИДА 10 — 11 май соат 18.00 12 май соат 14 ва 18.00 да Республикада хизмат қўрсатган артист МИРЗАБЕК ХОЛМЕДОВ

ҳамда Маҳоратли, Истеъдодли, Оса, Авқли, Дамлар ТЕАТРИ ва меҳмонлар: Матёқуб МАТЧОНОВ, Болтабой ТОШМАТОВ, Равшан ЖҲУРАЕВ ва қўқонлик Тоҳирбек МАҲКАМОВ иштирокида КАТТА ТОМОША Чипталар Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида ва метронинг «М. Горький» бекатида соат 10.00 дан 18.00 гача сотилади. Жамоалардан ҳам бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. МУРОЖАТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 44-56-07, 44-79-61, 44-24-37, 45-92-51.

Тошкент вилоти прокуратурасининг маъмурияти Оққўрғон тумани прокурори А. А. Полвонзодага онаси Башорат ҒАНИЕВАНING вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ОЖИЗА»ЛАР ҲАҚИДА ЭНГ КУЧЛИСИ

● ЛОНДОНДА нашр этиладиган «Таймс» газетаси таҳририяти Буюк Британия ва чет эл журналистлари ўртасида ўтказилган сўров натижасида Покистон ҳукуматининг 42 ёшли бошлиқ Беназир Бхутто хозирги дунёнинг «Энг кучли аёли» деган ном олди. У нозик жинсга мансуб бўрли юздан ортиқ киши рўйхатида биринчи ўринни эгаллади.

«Энг кучли аёл» номини олиш учун даъвогарлар учта мезон — сиёсий таъсири, молиявий аҳоли ва шахсий обрўси бўйича танланди. Сўровда катнашганларнинг аксарият кўпчилиги биринчи ўринни Покистон бош вазирига беришди. Иккинчи ўринни Америка президентиинг рафиқаси Хиллари Клинтон эгаллади, учинчи ва тўртинчи ўринлар Буюк Британия вакиллари — кирилица Елизавета ва мамлакат ҳукуматининг собиқ бошлиғи Маргарет Тэтчерга насиб этди. Ўн нафар «Энг кучлилар» рўйхати Туркиянинг бош вазир Таисун Чилер ном билан тугади, деб ёзилди «Труд» газетасида.

Бу турфа олам

67 ФАРЗАНД КЎРГАН

● Энг кўп фарзанд кўрган аёлини аниқ айтиш қийин. Лекин, шу вақтгача маълум бўлганлари ҳисобга олинса бундай серпушт она Иваново вилотининг Шўй шаҳрида яшаб ўтган рус аёли ҳисобланади. У Гиннеснинг рекордлар китобида ҳам қайд этилган. Бу аёл бутун умри давомида 67 фарзандни дунёга келтирган. У ўн беш марта эгизак туққан, етти марта бириўла учтадан фарзанд кўрган, тўрт марта тўрттадан туққан. Бу ўзига хос рекорд орқанда колганлиги ҳақида расмий маълумот йўқ. Шунинг учун ҳам таърихда бу аёл энг кўп фарзанд кўрган ҳисобланади.

АСТЕРОИДЛАР ДАХШАТЛИМИ?


Хозирги вақтда нисбатан Ерга яқин қонинот кенглигиде таҳминан икки мингтага яқин астероидлар бор. Улар бир-бири билан тўқнашиб кетса, қурраи заманимизда мисли кўрилмаган халқатга сабаб бўлиши мумкин. Оврўпо кенгаши Ассамб-

леясининг яқинда маълум қилинган маърузасида шундай хулосага келинди. Унда яна шу нарса қайд қилиндики, диаметри бир километр бўлган қонинот кимси Ерга тушгудек бўлса, у бутун бир қитъанинги халок бўлишига олиб келишига қодирдир. Ниҳоятда катта портлаш натижасида кўтарилган чағ-тўзон бир-неча ой давомида сайёрамизни қоронғулик билан қоплайди, ҳамма жойда ҳарорат ўнларча градусга пасайиб кетади. Бу эса кўп йиллик совиё кетишини болашичи бўлиши мумкин.

Хар 10-30 миллион йилда Ердан узокда диаметри беш километрдан ортиқ бўлган астероидлар ва кометалар билан тўқнашув юз берар экан. Ҳужжатларга ишонилса, диаметри бор-йўги 10 метр бўлган Тунгус метеорити таҳминан икки минг квадрат километр ўрмонни йўқ қилиб юборган.

Оврўпо кенгаши шу ташиқилт аёзлари бўлган мамлакатларга, шунингдек, АКШ ва Японияни кометалар ва астероидларни ўрганиш халқро дастурига ердан беришга даъват этиб, мурожаат қилди.

Дам олиш соатларида



ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарий! Бўйига йўналишидаги номлар шакл марказидаги «Й» харфи билан тугайди. Бўйига: 1. Урта аср тилшунос олимни, «Девону луғотит турк» комусий асари муаллифи. 2. «Ал-жабр вал-муқобала» асарини ёзган олим, ҳисоб билимининг дошишманди. 3. Басурийнинг замондоши ва шогирди, «Зайн ал-аҳбор» (Ахборот кўрки) тарихий асари муаллифи. 4. Х аср машур тарихчи олимни, «Бухоро тарихи» асари муаллифи. 5. XIV аср ва XV аср бошларида яшаган шоир, мударрис «Таржимон ул Қуръон» каби фалсафий, мантиққа оид асарлар муаллифи. 6. Ўзбек шеърятига қасида шеърятига асос солган XV аср мумтоз шоири. 7. Ҳисоб ва фалакийёт билимига катта хисса қўшган урта аср олимни. 8. «Самовий ҳаракатлар ҳақида китоб» асарини ёзган IX аср комусий олимни. 9. Машур ўзбек халқ достони. 10. Ўзбекистон жанубидаги чўл. 11. Ҳафта кунни. 12. XVII аср туркман ва ўзбек мумтоз шоири, достонлар муаллифи. 13. Шарқий Африқадаги кичик давлат. 14. Эрондаги шаҳар, маъмурий марказ. 15. Илмининг муайян соҳасига оид гоғлар, қондалар мажмуи. 16. Ҳафта кунни. 17. Бирор тилдаги озулар жамланган тўплам наشري. 18. Санъат тури. 19. Шеър мисраларида асосий қоянда кейин тақорланиб келувчи сўз. 20. Шохмот бўйича жаҳон чемпионоларидан бири. 21. Қамария йил ҳисобидидаги еттинчи ой номи. 22. Катнов йўлларидаги тўхташ жойи. 23. Маъмурий ҳудудий бўлиниш. 24. Пойабзалга қоқиладиган темир мослама. Фозилжон ОРИПОВ.

ДҮСТ ЭДИЛАР, ИЧИШИБ ДУШМАН БҮЛДИЛАР

Ха, ичкилик касофат. У дўстларни душманга айлантириши ҳеч гап эмас. Бунга жуда кўплай мисоллар келтириш мумкин. Қуйида биз тилга олмоқчи бўлган кўн-гилсизлик ҳам айнан шу ичкилик туфайли содир бўлди.

«Янгиҳаёт» жамоа ҳўжалиги трактор паркида ҳамкасблар кўнгиҳушлик қил-гилари келиб, ароқни очишди. Бир-бирларига соғлиқ-саломатлик тилаб қалаҳ уриштиришди.

Кейин эса яна яримта очилди... Ҳозиргина бир-бирларига яхшигина истак тиланган ҳамқишлоқларнинг гапи гапига тўғри келмай, муштларига эрк бердилар, жароҳат етказдилар. Пиравард натижа эса жиноятчилик курсига ўтқазди.

Судда Э.Ражабов шундай дея кўрсатма берди: ҳўжалигимиз паркида мен, укам Тулқин Ражабов, Алишер Умаров, Валижон Умаров, Раҳматилла Урозоёвлар билан ароқ ичиб ўтирган эдик. Бўлим бошқарувчиси Мамажон Холматов келиб улфатчиликка қўшилди. Сўнгра Аъзамжон Ашуров келди...

Шу ўринда ҳақни савол тугилади. Булим бошқарувчиси, раҳбар Мамажон Хол-

Суд залидан

матов ҳамқишлоқларига танбех бериб, ичкиликбозликка барҳам берганида эҳтимол бундай кўнгиҳисизлик юз бермаган бўлар-ми? Минг афсуслар бўлсинки, унинг ўзи ўртада низо чикишига сабабчи ҳам бўлди. М.Холматов билан А.Ашуров айтишиб қол-дилар, улар ўртасидаги низога аланга пур-кади. Бир-бирларига жароҳат етказдилар. Аъзамжон Ашуров уйига келиб воқеани турмуш ўртоғи Дилбарга айтди. Дилбар эса эрини тинч-лантириш ўрнига «озор бер-ган»нинг адабини бериб

қўймоқчи бўлиб, чопқини олиб, кўчага от-ланди. Тўлқин Ражабов Дилбарни ушлаб қолмаганда жиноят янада чигаллашган бў-ларди.

Хуллас, туппа-тузук бирга ишлашиб, тўю-маърақаларда бир дастурхондан тўз то-тиб юрган ҳамқишлоқлар ароқнинг касо-фати туфайли душманга айландилар, қол-дилар.

Суд А.Ашуровнинг қилмиши учун икки йил мулдатга озодликдан маҳрум қилди. Э.Ражабов ҳам қилмишига яраша жазоси-ни олди.

Хониға ЗОКИРОВА, Қуйчириқ тумани.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ • ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир Фатҳиддин МУХИДДИНОВ

Маълумоти: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.